



МУНОЖАТ ЙЎЛЧИЕВА ИЖРО УСЛУБИ

Jurayeva Dilafruz Imomazarovna

Yunus Rajabiy nomidagi o'zbek milliy musiqa san'ati instituti magistranti

Аннотация: Жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, инсоният ривожига катта турткি берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бер-майди. Бунинг учун, аввало, асрий анъаналар, тегишли шартшароит, тафаккур мактаби, маданий-маънавий муҳит бўлиши лозим. Ана шундай эзгу мақсад ва тафаккур билан яшаган халқимизнинг санъат намоёндаларини улуғворлигини хисса қўшган, ижодкор шахс тарбиясида эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар, бугунги кун зиёлиларидан саналмиш бўлажак санъаткорлар тарбиясига нафақат замонавий нуқтаи назардан, шунинг баробарида, миллати-мизнинг шаънини қўкларга қўттарган ноёб овози, бетакрор ижро маҳорати, ўзбек аёлига хос гўзал фазилатлари билан ҳаммамизнинг муҳаббатимиз, ҳурматимизни қозонган Муножот Йўлчиева ҳақида фикр юритилади. Унинг ноёб овозга эгалиги, ҳозиргача ҳам ўз устида ишилаши, тартиб-интизом билан консерваторияда ёшларга таълим беришларининг ўзи қаҳрамонлик. Асарларида тарихий, фалсафий, масаввуфий ғазалларга ўрин ажратганлиги билан ажralиб туради.

Калит сўзлар: Мақом маликаси, тарихий, фалсафий, масаввуфий ғазаллар, сўз қудрати, мақомчилик, миллий мусиқа.


Санъат инсон тафаккурининг маҳсули ҳисобланар экан, унинг асосий вазифаси инсон маънавий руҳиятига таъсир этишдан иборат. Бу эса санъаткорнинг ўзидан юксак маънавиятни талаб қиласди. Мазкур мақола ана шундай фазилатларга эга инсон Муножат Йўлчиева ҳақида баён этади.

Йўлчиева Муножатхон Абдувалиевна 1960 йил Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида туғилган. Тошкент консерваториясини тугатган. Анаънавий хонандалик ва мақом санъати сирларини М.Мирзаев ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ш.Мирзаевлардан ўрганган.

Юртимизда Муножат Йўлчиеванинг қўшиқлари кириб бормаган хонадон йўқ, десак муболаға бўлмайди. Унинг ноёб овози, туйғуларга бой ижроси, юракдан куйлаш услуги нафақат мамлакатимиз, балки қўплаб хорижлик ихлосмандларни ҳам ўзига ром этиб келади.

Муножат Йўлчиева миллий мумтоз қўшиқларимизни, мақомлар, катта ашуаларни маромига етказиб куйлади. Хонанданинг ўнлаб ашуалари жаҳон классик мусиқа дурдоналари қаторида туради.

Муножот Йўлчиева тайёрлов бўлимининг иккинчи босқичини тамомлаш арафасида «Мақом» ансамблининг забардаст дарғалари — Ориф Алимаҳсумов,





Берта Давидова, Комунна Исмоилова, Ҳадя Юсупова, Эсон Лутфуллаев, Матлуба Дадабоева билан ишлаш бахтига мұяссар бўлади.

Муножот Йўлчиева Америка, Англия, Япония, Хитой, Корея, Ҳиндистон, Италия, Швейцария, Бразилия, Германия, Испания, Бельгия, Франция, Россия, Ҳиндистон, Дания сингари давлатларнинг машҳур саҳналарида ҳам қўшиқ куйлади.

1995 йили Франция, 1997 йил Германияда аудио альбомлари чиқарилиб, қўп нусхаларда сотилади. 1997 йил “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида биринчи ўрин соҳибасига айланади.

2000 йилдан буён Ўзбекистон давлат консерваториясида педагоглик фаолиятини юритиб келаётган санъаткор 2006 йилда фахрий профессор илмий унвонини олган.

Репертуаридан мақом йўллари (“Сарахбори Наво”, “Сарахбори Дугоҳ”, “Мўғулчай Наво”, “Талқини Ушшоқ” ва бошқалар), ўзбек мумтоз ва халқ ашуалари (“Ушшоқ”, “Муножот”, “Чоргоҳ”, “Танавор”, “Ўзганча”, “Гиря” ва бошқалар), катта ашуалар (“Эй, дилбари жононим”, “Ишқинг ўтиға” ва бошқалар), ўзбек бастакорлари асарлари — “Ниҳон этди”, “Меҳнат аҳли”, “Бул ажаб”, “Қаёндир”, “Раъно киби” (Ш. Мирзаев) ва бошқалар ўрин олган.


Хонанда Муножат Йўлчиева мақомни замонавийлаштириш ғоясини ёқламайди. Асл нарса доимо бебаҳо ҳисобланади. Бизнинг мақом намуналаримиз, мумтоз наволаримиз инсонни руҳан поклайди, юксалтиради. Тинг-ловчининг қалби ва онггида олижаноблик, ирода, сабр-қаноат, ҳалоллик сингари эзгу фазилатларни шакл-лантиришга хизмат қиласиди. Ўзбекистонга келган сайёҳ бу ажиб диёрнинг бой тарихи, маънавий мероси, санъати ва маданиятига, албатта, мафтун бўлиб қиласиди.

Муножат Йўлчиеванинг ижоди нафақат халқимиз, балки халқаро миқёсда ҳам миллионлаб инсонларни ўзига мафтун этиб келмоқда. Биз, гарчанд сўзларини тушунмасак-да, жаҳон дурдона ашуаларини мириқиб эшитганимиз каби, ўзга миллат одамлари ҳам бизнинг миллий мусиқа меросимизга катта ҳурмат билан қарашади ва севиб тинглашади.

Қўшиқчилик — жуда нозик санъат. Ўз-ўзидан шаклланмайди, бунга йиллар керак бўлади, изланиш, меҳнат талаб қиласиди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти «Мақом хонандалиги» кафедраси профессори Йўлчиева Муножатхон Абдувалиевнага «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилди.

Муножат Йўлчиева ўз меҳнати, сабру-қаноати ва устозлари Ўзбекистон халқ артисти Мухаммаджон Мирзаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шавкат Мирзаевга нафақат яхши шогирд балки фарзандидек хизматда бўлгани,





уларнинг ҳар бир сабоғига ҳам ҳаётда, ҳам ижодда амал қилгани учун ҳам бугунгидек муваффақиятларга эриша олди.

Ўзбек мақомини, шу билан бирга ҳақиқий ўзбек аёли сиймосини бутун дунёга танитган, чин маънода “Мақом маликаси” номига муносибdir.

Унинг ижодининг бир қисми Фарғона водийсига хос бўлган ўзбек анъанавий ашула йўли ҳам ҳисобланади. Кўпинча, юқори пардағларда ва кенг нафасда ижро этилиб, ўзига хос мураккаб ижро услуби билан ажралиб туради. Катта ашула қадимий маросим ва меҳнат қўшиқлари, марсия, навҳа, аёлғу қўшиқлари ҳамда аruz вазнидаги ғазалларнинг қадимий ўқилиш услублари заминида вужудга келган. Катта ашула, одатда, катта йиғин, сайил ва тўйтомушаларда айтилган. Унинг ўтмишдаги намуналарида лирик ва насиҳатомуз ғазаллар билан бир қаторда, диний, тасаввуф йўналишидаги шеърлар ҳам куйланған. Навоий, Лутфий, Машраб, Ҳазиний, Муқимий, Фурқат, Завқий, Мискин ва бошқаларнинг ғазаллари Катта ашула жанридан алоҳида ўрин олган. Халқ оратсида “Дўстлар” (Навоий), “Кўп эрди”, “Ёлғиз”, “Адаш-канман” (Муқимий), “Оҳ, ким раҳм айламас” (Фурқат), “Бир келсун”, “Эй, дилбари жононим” (Мискин) каби катта ашулалар кенг тарқалган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда анъанавий санъатимиз ҳисобланган мақом ижрочигига бўлган эътиборнинг юксак намунаси бўлди.

“Санъат тушунчаси кенг қамровли бўлиб, инсон ҳамда жамиятнинг ривожланиш ва тараққиётида ўта муҳим ўрин эгаллайди. Бастакор, ҳайкалтарош, рассом, созатнда, актёр, режиссёр, раққос, қўшиқчиларни – ўзбек тилимизда бир сўз билан зиёлилар деб аталади. Зиёли сўзининг луғавий маъноси зиё – нур, ёруғлик тарафувчи демакдир. Актёр ҳам, нафақат ўз санъати билан, шаклу шамойили, муомаласи, хулқу одоби билан кенг омма ўртасида зиё тарқатувчи ҳисобланади.

“Санъат донишмандлик сари қўйилган илк қадам”, – деган эди Аристотель.

Мақом деганда эса – бутун бир Шарқ ҳалқларининг мумтоз анъанавий мусиқий йўллари кўз олдимизда гавдаланади. Мақом ибораси арабча сўз бўлиб, истиқомат ўрни, турар жой маъносини беради. Мусиқа тили билан айтганда эса, мақом мусиқа асбобларида куй ва ашулаларни ташкил этадиган товушларнинг жойлашадиган ўрни пардалариdir, яъни ладлариdir. “Мақом” деганда, мусиқада “номукаммал ҳолатдан мукаммал ҳолатга” қараб, ривожланишнинг муайян ижодий услуби ҳам англашилади.

Мақом – бу садоларда инъикос этган ҳикматлардир. Инсоннинг руҳий-маънавий камолоти сари юксалиши ва шу тариқа чин Ҳақиқатга эришуви бу ҳикматлар ўзагини ташкил этади. Мақомларда мужассам бўлган маънавий-бадиий гўзалликларни жонли жараёнда намоён этиш ва уларни тингловчига





етказиб беришда ижрочилик санъати қарийб ҳал қилувчи аҳамият касб этиши маълум.

Маълумки, ўзбек халқининг маънавий гўзаллиги асрлар қаъридан келаётган куй-оҳангларида ўзининг ажойиб, бетакрор бадиий инъикосини топган. Уламо-ларимиз берган таърифлардан бирига қўра, мусиқа – инсон руҳининг озиғидир. Бинобарин, миллий мусиқа кўп асрлар давомида аждодларимиз бой маънавияти-нинг, теран тафаккурининг, баркамол руҳиятининг садолардаги жонли ифодаси ва, айни пайтда, янги, буюк давлат бунёдкори бўлмиш жамиятимизнинг руҳ, қувватини ўзида ифодалайдиган сиёмолар сирасига Муножат Йўлчиевани киритиш ўринлидир.

Миллий мусиқа меросимиз жанр, услугуб ва бадиий мазмунга бой бўлган ва асрлар давомида ривожланиб, сайқалланиб, шакл ҳамда бадиий ифодалари билан мукаммалликка эришиб келмоқда. Унда халқимизнинг миллий руҳияти, олий инсоний фазилатлари, эрк ва баҳт йўлидаги тарихий курашлари, орзу-умидлари акс эттирилмоқда.

Ижрочиликни шакллантиришда сўз ва талаффуз маҳорати асосий муаммолардан биридир. Маълумки, шеърият ва мусиқа азал-азалдан бир-бирига йўл-дош санъат турлари сифатида, шаклланиб, ривожла-ниб, ардоқланиб келинган. Оҳанглар бағрида шеър-нинг, яъни сўзларнинг таъсири янада жонли, таъсири-чан ва ёқимли бўлади. Шундай экан, ижрочилик билан шуғулланаётган ҳар бир ёш хонанда шеъриятдан боҳа-бар бўлиши зарур.

Муножат Йўлчиеванинг ижоди санъатда мозий ва замон фалсафаси инсони-ятни бирлаштирувчи, уни тараққиётга комилликка юксакликка чорловчи руҳлантирувчи, етакловчи таби-ати, қудрати ҳамда ҳикмати замонлар оша ва бугунги кунда ҳам инсониятга маёқ каби йўл кўрсатмоқда. Санъат таълимида сўз ҳикмати ва қудратига эришиш, ижодий истеъодод ҳамда фазилат уйғуналигига эришиш вазифалари илмий маънавий-маърифий анжуманларда билдирилган, соҳир фикрлар унинг аслий мукаммалигини мустаҳкамлаш, адабий тилимиз хазинасини асрашга, бойитишга қаратилган оқилона ва одилона муносабат билан юкинган ирода ҳамда ифода изҳоридир. У улуғвор ҳаёт йўлимизнинг нажот ва сабот қоясидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;
2. Ш.М.Мирзиёев. “Миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли / “Халқ сўзи”, 2019 йил 22 октябрь, №2 18;
3. Н.Алиева. Санъат – менинг ҳаётим. – Тошкент: Faafur Fulom nomidagi Adabiёт va sanъat nashriёti, 1975;



4. od-press.uz.

